

Фарғона шаҳри

Кейинги ўринларда "Бош пудратчи" деб юритиладиган Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор А.Зикрияев бир томондан ва кейинги ўринларда "Ёрдамчи пудратчи" деб юритиладиган "Қўргон Сифат" МСбJ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ж.Жумаев иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПП-4565-сонли карорига асосан Фарғона туман Хосилот МФЙ Тоштепа кўчасини жорий таъмирилаш ва асфалтлашириш ишларини (кейинчалик-объект) бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект реконструкция килишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганини тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулитлар конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

вақтнинчалик иншоотлар - Ёрдамчи пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтнинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чикиш - ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга тасмилаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича обьектда реконструкция килиш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, Бош пудратчи эса Ёрдамчи пудратчига реконструкция килиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича обьектда Ёрдамчи пудратчи 540 550 477 (Беш юз кирк милюлон беш юз эллик минг тўрт юз етмиш етти) сўмлик ишларини бажаради.

IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажариладиган ишларни килиш ишларини "Маълумотнома-хисоб-фактура" билан расмийлаштириди. Бош пудратчи томонидан тўловлар ва хисоб-китоблар шартномага асосан факат Ёрдамчи пудратчининг ваколатлии маҳсус хисоб ракамига пул ўтказиши йўл билан амалга оширилади.

6. Ёрдамчи пудратчи обьектда белгиланган иш хажмларидан жорий йилда факат шартномада кўрсатилган иш хажмларини (иши турлари) амалга оширади.

7. Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига 30% аванс маблагини ўтказади.

8. Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчи хар ойда бажарилган реконструкция килиш ишларини "Маълумотнома-хисоб-фактура" билан расмийлаштириди. Бош пудратчи томонидан тўловлар ва хисоб-китоблар шартномага асосан факат Ёрдамчи пудратчининг ваколатлии маҳсус хисоб ракамига пул ўтказиши йўл билан амалга оширилади.

9. Бажарилган реконструкция килиш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-хисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг хар ойда амалда бажарилган ишлар микдоридан фоиз хисобида тасмиланган холда ушлаб колиб, обьектнинг шартномавий кийматининг 95 фоизидан кўп бўлмаган микдорида амалга оширилади.

10. Бажарилган ишлар кийматидан 5(беш)% кафолат маблаги ушлаб колинади. Ушлаб колинган кафолат маблагини "Бош пудратчи" хисоб ракамига "Буюртмачи" томонидан молиялаштирилгандан сўнг "Ёрдамчи пудратчи" билан тўлиқ хисоб китоб килинади. Шу билан бирга «Ёрдамчи пудратчи» Ушбу обьектда бажарилган ишлар кийматидан «Бош Пудратчи»га 2 (икки) фоиз микдорида «бош пудратчи хизматлари» учун тўловни амалга оширади.

VI. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартнома бўйича Ёрдамчи пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- реконструкция ишлари бошланишдан олдин обьектда реконструкция ишларини олиб бориши даври учун, Бош пудратчи иштирокида килинаётган йўл кисмини ва ундан мавжуд йўл элементларни далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан кабул килиб олади ва курилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Реконструкция килиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл кисмидан йўл ва йўл иншоотлари элементларни саклаш ишларини амалга оширади ҳамда автотранспорт воситаларининг хавфсиз харакатини таъминлайди;
- обьектнинг ижро хужжатларини расмийлаштиради ва Бош пудратчи топширади шунингдек, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошка хужжатларни тақдим этади;
- обьектда тасдиқланган лойихага мувофиқ курилиш - монтаж ишларини амалга оширади;
- зарур колларда айrim иш турларининг бажарилishiда лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегиши холосаси ва ишлатилган машина - механизмлар нархига ваколатли идора(ташкилот, орган)нинг экспертиза хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;
- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, курилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал килган холда сифатли бажаради ҳамда ишни Бош пудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;
- обьектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва курилиш техникинин ўз вактида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;
- зарур холларда курилиш майдони худудида вактнинчалик иншоотлар куради;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилishiшини таъминлайди;
- мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишига кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегиши курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактнинчалик бинолардан бўшатали;
- курилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вактида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи Ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Бош пудратчи олдида тўлик мулкий жавоб беради. Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун хам жавобгар бўлади.

13. Ёрдамчи пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект фойдаланишга топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланишига Ёрдамчи пудратчи тўлик жавобгар бўлади.

14. Мазкур обьект “Бош пудратчи” томонидан фойдаланишга топширилгунга кадар ушбу обьектда содир бўладиган барча носозлик ва камчиликларни бартараф этиш ишлари “Ёрдамчи пудратчи” зиммасида бўлади. Кейинчалик мазкур обьект юзасидан назорат тафтиш инспекциялари томонидан ўтказиладиган хар кандай текшириш натижалари бўйича жавобгарлик ва аникланган камчиликларни бартараф этиш “Ёрдамчи пудратчи” зиммасига юклитилади.

VII. БОШ ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Мазкур шартномани бажариш учун Бош пудратчи:

-Ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиши сифати назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Ёрдамчи пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик равишда кабул килиб олишни таъминлаш;

-Ёрдамчи пудратчининг барча мурожаатларни бир ой муддат ичida кўриб чикиши ва карор кабул килиши мумкин;

- мазкур шартнома имзолangan кундан бошлаб бир ой давомида Ёрдамчи пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Бош пудратчи курилиш майдонида ўз вакилини –курлиш бўлим бошлигини тайинлайди, у Бош пудратчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан доимий назоратни амалга оширади, шунингдек Ёрдамчи пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойиха смета хужжатларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Курилиш бўлим бошлиги ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнода ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгаиди.

18. Ёрдамчи пудратчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, килинган сарф-харакатларни Бош пудратчи томонидан мазкур обьект учун бириткирилган курилиш бўлим бошлиги билан хар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача обьектнинг ўзида кўриб чикиди ва тўлим маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига кадар “Бош пудратчи”га топширади.

19. Бажарилган ва молиялаштириш учун кабул килинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл кўйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегиши ўзgartirishlar (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

20. Ёрдамчи пудратчи обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

21. Ёрдамчи пудратчи обьектда ишларни оліб бориши тартибини йўл курилиши сифатини назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларida белгиланган тартибида жавоб беради.

22. Ёрдамчи пудратчи курилиш майдонида умумий тартиби таъминлайди.

23. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Ёрдамчи пудратчи амалга оширади.

24. Ёрдамчи пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материалларни, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларida кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегиши сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

25. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридан йўл курилиши ишлари сифатини назорат килиши. Давлат инспекциясини ёзма равишида хабардор килади.

26. Ёпилиб кетадиган ишларни кабул килиб олиш белгиланган тартибида амалга оширилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Бош пудратчининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда Бош пудратчининг талаби бўйича Ёрдамчи пудратчи унинг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг ишталган кисмни ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурdir.

28. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) кабул килиб олиш натижалари белгиланган шакла маълумотнома-хисоб-фактура билан расмийлаштирилади.

29. Агар Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аникласа, у холда Ёрдамчи пудратчи ўз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбур.

30. Ёрдамчи пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодалигини таъминлайди хамда автотранспорт воситаларининг хафсиз характеристикини таъминлайди.

31. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ёрдамчи пудратчи реконструкция ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг ўзаро муносабатларida ахамиятта эга бўлган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha хаво харорати ва ёнингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

32. Агар Бош пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ёрдамчи пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён килади.

33. Ёрдамчи пудратчи дафтарда Бош пудратчи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоре-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ КЎРИКЛАШ

34. Ёрдамчи пудратчи ишлар бошланишидан реконструкция килиш тугаллангунгача ва реконструкция килиш тугалланган обьект Бош пудратчи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникини ва бошка мол-мulk зарур даражада кўриклини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

35. Агар ўзбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги форс-мажор холатлари (фавкулодда вазиятлар, фавкулодда юлат, юкори турувчи давлат органларининг карори ва бошка енгib бўлмайдиган куч) натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажарилмаслиг учун жавобгарликдан озод этиладилар.

36. Ёрдамчи пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошка шартлашувчи шериллари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, Ёрдамчи пудратчидан зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

37. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгib бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишида узайтирилади.

38. Агар форс-мажорхолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчи ишларни давом этитириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

39. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бирин шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклиди.

XI. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

40. Реконструкция килиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек реконструкция тугалланган обьектларни фойдаланишига қабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

XII. КАФОЛАТЛАР

41. Ёрдамчи пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха-смета хужжатларига, шахарсозлик нормалари ва коидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;
- ўзи томонидан курилиш учун кўпланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини уларнинг лойиха хужжатларida кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;
- шартномада белгиланган кафолат муддати обьектдан фойдаланиши жараёнида нуксонлар ва чала килинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишини;
- обьектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиши коидаларига мувофиклигини кафолатлади.

42. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиши ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар реконструкция килиш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

43. Агар обьектдан фойдаланишининг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишини давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

44. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ёрдамчи пудратчи ва Бosh пудратчининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

45. Ёрдамчи пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йўл курилиши ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекциясини томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Фарғона туманлараро иктисодий судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Томонлар ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида"ги Конунда, бошка конун хужжатларida ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида жавобгарликка тортилади.

47. Реконструкция килиш ишларини олиб бораётган Ёрдамчи пудратчи конунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Бosh пудратчи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатиз бажарилган курилиш-монтаж ишлари;
- объектни ҳамда унинг боскичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- Бош пудратчи билан тузишдан шартнома асосида курилиш-монтаж ва бошка ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатларини бузилиши;
- объектнинг лойиха-смета хужжатларida белгиланган ерларни рекультивация килиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;
- реконструкция килиш жараёнида ёки оралиқ қабул килишда Ёрдамчи пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл кўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишини оркага суриш;
- шартномада кўзда тутилган бошка мажбуриятларни баъжармагани ёки тўлаконли бажармагани.

48. Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан ческиниш ёки бошка камчиликлар мавжудлигига Ёрдамчи пудратчи ўз хисобидан бартараф этади.

49. Шартномада белгиланган мажбуриятларни бузганилиги учун Бosh пудратчи пудратчига кечичтирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пена тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Бosh пудратчига боғлик бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

50. Ёрдамчи пудратчи томонидан Объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятларни бузгилган бўлса Ёрдамчи пудратчи Бosh пудратчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пена тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

51. Ёрдамчи пудратчи бажариш графигига 2020 йил ҳар чораги учун белгиланган иш ҳажми (иш турлари) кийматининг шу чорак учун белгиланган иш ҳажмининг бажармаган кисмидан Бosh пудратчига 2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

52. Муддат ўтказиб юборилганини ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пена ва жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

53. Ушбу пудрат шартномаси амал килиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

54. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Фарғона туманлараро иктисодий судида эътиroz тартибига риоя килган холда, кўриб чикилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим килиниши керак ва уларни кўриб чикиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

55. Бosh пудратчи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Бosh пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Ёрдамчи пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечичтирилганда;
- Ёрдамчи пудратчи томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хуқукига эга.

56. Ёрдамчи пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Бosh пудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

-Бosh пудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;

-конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хуқукига эга.

57. Шартнома бекор килинганда Бosh пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш 1 ой муддатда Бosh пудратчига берилади, Бosh пудратчи бажарилган ишлар кийматини Ёрдамчи пудратчига тўлайди.

58. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларida ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.
61. Ёрдамчи пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужоатларини Бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, Ёрдамчи пудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.
62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.
63. Бози пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги маъжбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдатувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
64. Ёрдамчи пудратчи обьектда курлиш таъмирилаш ишларини бажариш давомида Бош пудратчига ва бошқа турдош Ёрдамчи пудратчига халал бермаслиги лозим.
65. Ёрдамчи пудратчи томонидан курлиш таъмирилаш ишларини бажариш даврида лойихадан оғишлар учраган тақдирда, лойиха бош муаллифи ва Бош пудратчи билан келшилган холда жойига мослаб курлиш ишларини бажарилиши лозим.
66. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикитиришга хаклидир.
67. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужоатлари нормалари кўлланилади.
68. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
69. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукук ва маъжбуриятлари вужудга келади.
70. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва “31” декабр 2022 йилга кадар амалда бўлади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БОШ ПУДРАТЧИ

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш УК

ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ

“Қўргон Сифат” MChJ

Манзил: Фарғона шаҳар, Мустакиллик №350-т ўй

Манзил: Фарғона тумани Миндон ҚФЙ Кўргон кўчаси105 ўй

x/p: 20210 000 900 210 835 001

X/P: 20208000705392784001

МФО: 00493 СТИР: 200197217

МФО: 01131 СТИР:308511290

Банк: ТИФ Миллийбанк Фарғона

АТБ Универсал банк Фарғона филиали

Директор

А.Зикрияев

Бони хисобчи

Ш.Мамуров

Юрист

Ж.Вахобов



Ж.Жумаев